Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 215 (12.869).
16 СЕНТЯБРЬ 1964 ЙИЛ ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

3.600.000 тонна учун

СЕНТЯБРЬ 15

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлаш ва дефолиацияниинг борыши тўғрисида

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсумда	Дефолиация
Фарғона	1,61	12,96	36,39
Андижон	1,21	8,56	24,41
Қашқадарё	1,11	8,51	41,28
Сурхондарё	1,08	5,88	8,19
Бухоро	0,48	1,35	12,07
Тошкент	0,44	1,24	22,37
Қорақалпоғистон АССР	0,10	0,38	12,67
Сирдарё	0,03	0,11	28,29
Хоразм	0,04	0,11	4,50
Самарқанд	—	0,01	4,25

ЗАФАР САТРЛАРИ

ТЕРМИЗ. Республикамиз юбилейи шарафига мусобақани тобора қизитаётган «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг паррандачилари давлатга 95 минг дона тухум топшириб, йиллик планни қариб икки баравар ошириб бажардилар. Ҳозир улар мажбуриятни ҳам тезроқ адо этиш учун қурашяптилар.

Я. ЖАББОРОВ.

ЗАДАРЕ бошқармасидаги «Партия XX съезди» колхозининг чорвадорлари давлатга 230 центнер гўшт, 1000 центнер сут сотиб йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Чорвадорлар яна 50 центнер гўшт, 270 центнер сут тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

У. ҚУЧҚОРОВ.

ЯНГИЕР бошқармасидаги «Ховос» совхози 4-бўлимининг чорвадорлари ҳар бош қўйдан 2,2 килограммдан жун қирқиб олдилар ва давлатга жун сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

У. ТОЖИЕВ.

ҒИЖДУВОН. «Коммунизм» колхозининг илғор сут соғувчиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мусаллам Муқимова ўзига бириктириб қўйилган 79 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 2000 литрдан сут соғиб олди.

М. РУЗИЕВ.

ШАҲРИСАБЗ бошқармасидаги Киров номли колхоз чорвадорлари давлатга 200 тоннага яқин сут сотиб, йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажардилар. Ҳозир мажбурият ҳисобига сут тайёрланяпти.

Ж. ХАЛИЛОВ.

АЛИ САБРИЙ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 15 сентябрь. (ТАСС). Бутун дўст Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий рафиқаси билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит қилиб, Москвага келди.

2- Внуково аэропортида ҳурматли меҳмонни ҳамда Бирлашган Араб Республикасининг у билан бирга келган сиёсий ва давлат арбоблари СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев рафиқаси билан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Ф. Устинов ва бошқа кишилар, шунингдек пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олишди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев вакиллар палатаси парламент ишлари доимий комитетининг раиси, либерал-демократик партиянинг таниқли арбоби Кэндзи Фукунага бошчилигидаги Япония парламент делегациясини 15 сентябрда Кремлда қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Япония парламенти аъзолари ўртасида суҳбат бўлди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида делегация бошлиғи Кэндзи Фукунага Япония бош министри Х. Икэданинг шахсий мактубини Н. С. Хрушчевга топширди.

Покистон президентининг Совет Иттифоқига қиладиган визитига доир

Совет ҳукумати Покистон президентини Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Президент бу таклифни миннатдорлик билан қабул қилди. Унинг келиш вақти ҳақида кейинчалик хабар берилади.

Қува бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг мавсумда 12 тонна пахта теришга аҳд қилган чевар теримчиси Мунаввархон Худойбердиева ҳар куни хирмонга 130-140 килограмм пахта тўплаётир. Суратда: ўртоқ М. Худойбердиева.

Ҳ. Мамажонов фотоси.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР МАЖБУРИЯТИ

Қува бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхозида 400 гектар майдондаги ғўза машина теримига мослаб ўстирилди. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли бу майдонларда баракали ҳосил етишди.

Колхоз механизаторлари бу йил машиналар билан 611 тонна ўрнига 1000 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилдилар. Шоферлардан Исмоилжон Оқбўтаев, Хўжа Машарипов, Қурбон Кенжаев, Раҳмонжон Шералиев ва бошқалар механик-ҳайдовчилик касбини ҳам эгалладилар. Улар мавсумда 800-900 тоннадан пахтани тайёрлаш пунктига қоп-қанорсиз ташиш билан бирга ҳар бири 80-90 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар.

Ш. САИДУМАРОВ.

9 МИНГ ТОННА УЧУН

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун курашаётган колхозимиз аъзолари бу йил 2243 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 9 минг тонна «оқ олтин» сотишга қарор қилганлар. Далада шунга яраша мўл ҳосил етиштирилди.

Хўжалигимизда йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Колхозчилар, механизаторлар терим суръатини кучайтириш ва уни тезроқ тугаллаш юзасидан оширилган мажбуриятлар олдилар.

Бу йил бутун республикамиздагидек, колхозимизда ҳам пахтани машина билан теришда катта бурилиш бўлади. 1400 гектар майдондан 3100 тонна пахта машиналарда териб олинади. Мавжуд 25 та пахта териш машинаси, 33 прицеп тахт қилиб қўйилди. 82 механик-ҳайдовчи тайёрланди. Яқин кунларда яна 16 та пахта териш машинаси ва 49 прицеп сотиб оламиз.

Биз машина теримига йил бошиданоқ ҳозирлик кўриб келдик. Ҳосили машинада терилади-ган участкаларнинг ғўзаси машинабоп қилиб ўстирилди. Далалар бегона ўтлардан тозалаб қўйилди. Дефолиацияни ўз вақтида ўтказиб, қўсакларнинг 50-60 процента очилиши билан ноқ машина теримини бошлаб юборамиз. Машиналарни группа усулида ишлатамиз. Терим соатлик график асосида ташкил этилади.

Колхоз партия комитети қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборди, маданий-маиший хизматни намунали йўлга қўйиш юзасидан қатор тадбирларни белгилади. 4 агитпункт ишлаб турибди. 100 агитатор, лектор ва пропагандист колхозчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни олиб боряпти. 26 бригаданинг ҳаммасидаги дала шийпонлари сиёсий агитация марказига айлантирилди.

Беш жойда доимий, 30 жойда мавсумий боғча-ясли ишлаяпти. Далада иссиқ овқат пиширилади. Колхозчиларга терим даврида мунтазам аванс бериб борилади.

Колхозимиз аъзолари республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейини ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишади.

А. ЮСУПОВ,
Янгиариқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

Ё. АБДУЛЛАЕВ,
партия комитетининг секретари.

ТЎЁНАМИЗ

Республикамизнинг 40 йиллик тўйига ҳамма ўзининг муносиб совғаси билан келмоқда. Колхозимиз аъзолари ҳам тўйга халқимиз дастурхонини нознеъматлар билан безатиш учун йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, ҳозир ана шу меҳнатнинг мўл маҳсулини йиғиб олмоқдалар.

Давлатга 2851 тонна ўрнига, 2875 тонна сабзавот топшириб, бу соҳадаги планни муддатидан илгари бажардик.

Техникадан унумли фойдаланиш ва ички резервларни тўла ишга солиш туфайли ўтган йилга нисбатан ҳосилдорлик 10 процент ошиб, маҳсулот таннархи 15 процент арзонлашди.

Даламизда ҳали пиёз, помидор, сабзи ва бошқа маҳсулотлар кўп. Тўйга тўёна қилиб яна 1000 тонна сабзавот топширишга аҳд қилдик.

Бу йил картошка ҳосили ҳам яхши бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга 915 тонна картошка топширдик. Ўрта, кечки картошкаларимиз ҳам серҳосил бўлиб етишмоқда.

Колхозимизнинг Рашид Ҳасанов, Наби Эшонов, Ҳаким Азимов, Меҳмон Қурбонов ўртоқлар бошлиқ сабзавотчилик бригадаларида айниқса мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Шаҳардаги колхоз бозорлари ва саноат корхоналари ёнида сабзавот, мева, қовун-тарвуз билан савдо қилувчи дўконларимиз бор. Буларда доимо арзон қовун-тарвуз ва сабзавот бўлиб туради.

Бу йил полиз экинларидан ҳам ҳар йилдагидан мўл ҳосил етиштирдик. Гектаридан камида 25 тоннадан тарвуз узмоқчимиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 12 тоннадан тарвуз узиб, давлатга 100 тонна тарвуз топширдик.

Республикамиз тўйигача ҳалқимиз дастурхонига кўплаб ширин-шакар қовун-тарвуз, олма, узум, сабзавот ва картошка етказиб берамиз.

З. ЖАЛИЛОВ,
Калинин бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

МАКТАБ ИШИ—ПАРТИЯВИЙ ИШ

Тошкент қишлоқ область партия активи йиғилишидан

□ □

Мактаб иши — партиявий иш эканлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, кейинги пайтларда область партия комитетлари ҳамда бошқарма партия комитетлари бу соҳага доир масалаларни тез-тез муҳокама қиладиган бўлиб қолдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сўнгги Пленумида ҳам мактаблар масаласига алоҳида эътибор берилди. Кеча бўлиб ўтган Тошкент қишлоқ область партия активининг йиғилишида мактабларга партия раҳбарлигини ҳар жиҳатдан яхшилаш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш савиясини тағин ҳам юқори кўтариш масаласи кенг муҳокама қилинди. Докладчи — область партия комитетининг секретари ўртоқ А. Алимов область мактабларида ўқув-тарбия ишларининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида батафсил гапирди.

Докладчи шуни алоҳида қайд қилиб ўтдики, кейинги йилларда область ва бошқарма партия, совет, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг мактабларга бўлган эътибори анча кучайди. Обкомнинг IX пленумида ва бюро мажлисларида халқ маорифи масалалари мунтазам равишда муҳокама қилиниб, муҳим қарорлар қабул қилинди. Бошқармаларнинг партия комитетлари, район ижроия комитетлари халқ маорифига раҳбарликни бирмунча кучайтирдилар. Кўпчилик районларда маориф масалалари парткомларнинг бюроларида ва меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг сессияларида ишчанлик билан муҳокама қилинди. Областнинг кўпгина мактаблари янги — 1964/65 ўқув йилига пухта тайёрлик билан киришдилар.

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан барча нотиқлар ҳам область мактабларида ўқув-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, мавжуд камчиликларни ҳам рўй-рост қайд қилиб ўтдилар.

Партия активи йиғилиши мактабларда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашга доир амалий чоралар белгилади.

И. УЛУҒЖОНОВ.

ДУГОНАЛАР, КЕЛИНГ, БАСЛАШАЙЛИК!

Бу йил далаларда етиштирган «оқ олтин»имиз салмоғи бултургидан ҳам баракалироқ бўлди. Чунки Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейини катта пахта хирмони кўтариш билан кутиб олиш иштиёқида ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ меҳнат қилдик-да! Бизнинг бригадамизда ҳам ҳосилнинг чўғи яхши. Гектаридан 40 центнердан пахта топширамиз деган эдик. Етиштирган ҳосилимиз бу мажбуриятнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлайди.

Меҳнатимиз меваси тарозига тушди. Ҳосилни қанчалик тезроқ йиғиштириб олсак, она-Ватанга сифатли пахтани шунчалик нўпроқ етказиб берамиз.

Терим машиналари биз пахтакорларнинг жонимизга ора кирди. Ҳар бири ўнлаб, юзлаб теримчиларнинг ишини бажаради. Ленин ҳали ҳосилнинг кўп қисмини териб олиш биз теримчилар зиммасига тушади. Демак, машина бор, ҳосилнинг бир қисми машинада терилади, деб биз, теримчилар ишни бўшаштириб юбормаслигимиз лозим.

Яқинда бошқарма илғор пахтакорларнинг кенгашида Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозлари ва «Партия XXII съезди» совхозининг чевар теримчилари биринчи-кетин минбарга чиқиб, мавсумда 15-16 тоннадан пахта теришга ваъда беришаётганда, мен шу ҳақда ўйладим. «Муҳаббат, сен шу теримчилардан орқада қоласанми?!» дедим ўз-ўзимга.

Минбарга қандай чиққанимни билмай қолдим. Қарасам — ҳамманинг кўзи менда.

— Мен дугоналарим чақиригини қабул қиламан. Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилей шарафига мавсумда 17 минг килограмм «оқ олтин» теришни мажбуриятини оламан, — дедим ўша минбардан.

Бу ваъдани бажариш осон эмас, албатта. Ўтган йили 12 тонна пахта терган эдим. Бу йил яна 3 тонна ошириб пахта териш учун бутун маҳоратимни ишга солишим, янада ғайрат билан ишлашим керак.

Биз 5 сентябрдан теримга тушдик. Ишимиз яхши кетяпти. Колхозимиз пахта териш ва тайёрлашда областда пешқадамлар қаторида боряпти. Мен ўзим 9 сентябрга қадар 1130 килограмм пахта тердим. Кунига 200 килограммга етказяпман. Пахта энди қийғос очилиб келяпти. Кундалик суръатни 250 килограммга чиқариш қаракатидаман.

Кўп пахта теришга ҳаракат қилиб, сифатига эътибор бермайдиганлар ҳам бўлади. Бундай қилиш ҳам давлатга, ҳам хўжалигимизга, бинобарин ўзимизга зиён келтиради. Агар ҳар тўп ғўза ҳисобидан 1 граммдан пахта нобуд бўлса, 1 гектар ерда 75-80 килограмм «оқ олтин», бошқача айтганда 300-320 сўм даромад исроф бўлади. Бундай қилиш ноинсонлиқ!

Дугоналар, теримда ҳам суръат, ҳам сифат бўлсин, тез ва тоза терайлик. Улкамиз тўйига муносиб тўёна тайёрлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирайлик.

Муҳаббат ОСТОНОВА,
Қарши бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛСИН!

Ўрта Осиё республикалари колхоз ва совхозларида дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришнинг борыши тўғрисида 1964 йил 10 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Республикалар	Тайёрланган дағал хашак	Бостирилган силос
Ўзбекистон ССР	82.00	31.00
Қирғизистон ССР	71.00	22.00
Тожикистон ССР	41.00	17.00
Туркманистон ССР	37.00	21.00
Ўрта Осиё бўйича жами	68.00	25.00
Бундан ташқари Қозоғистон ССРнинг Чимкент области	99.00	22.00

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Нукусда Ленинград адабиётни ва санъати ҳафталиги бошланди

□ □

Қорақалпоқ тонги ҳар кунгидан ҳам гўзал, дилрабо. Ленинградлик меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга йиғилган кишиларнинг қалбларига қуёш чексиз эйсини қуяётгандай. Ҳар бир бахтиёр кўзда севинч. Аэропорт байрам тусига кирган. Гулдасталар тутган йигит-қизлар, қизил галстук таққан пионерлар кўкдан кўз узмай ҳаво лайнерини кутмоқдалар. Майдончада эса базм авжига чиққан. Шўх йигитлар рубобларини жаранглатиб қўшиқ айтса, дилбар қизлар очилиб-сочилиб рақс тушиб, ҳаммани ўзига маҳлиё этарди. Шу пайт кўкдан пастлаб келаётган самолёт, кўринди. Дўстлик, қувонч, бахт, қардошликни ифодаловчи дастадаста гуллар мехмонларга узатилди. Бу гулларда қорақалпоқ меҳнаткашларининг меҳр-муҳаббати бор эди.

Меҳмонларни Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. Ешимбетов, Автоном республика Министрлар Советининг раиси Е. Айтмуродов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Азимов, Ўзбекистон ССР маданият министри З. Раҳимбоева ўртоқлар кутиб олдилар. Улар орасида Автоном республика пахта усталари — Амударё бошқармасидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ойим Камолова, Тўрткўл бошқармасидаги Максим Горький номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати О. Дурдиев, Хўжайли бошқармасидаги Ленин номли колхознинг комплекс механизациялаштирилган звеноси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ойим Ортиқбоева, республикамизнинг машҳур соҳибкори Ризамат ота Мусамуҳамедов, Автоном республика ёзувчиларидан С. Нуримбетов, И. Оймирзаев, И. Юсупов ва бошқалар бор эди.

Делегация бошлиғи РСФСР ёзувчилар союзи Ленинград бўлимининг секретари, шоир А. Н. Чепурова қорақалпоқ меҳнаткашлари номидан Ойим Камолова туз ва нон тутди.

Куннинг иккинчи ярмида ленинградлик қардошлар Нукуснинг энг кўркам жойлари билан танишдилар.

С. ҚОЛИБОЕВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

АГИТАТОР, СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЭКОНОМИКАСИ, ФАН, МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ЮКСАЛИШДА

ШАРҚДА СОЦИАЛИЗМ МАШЪАЛИ

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданиятни юксалтиришда буюк ғалабаларни қўлга киритди. Улкамиз Ўрта Осиёдаги бошқа қардош республикалар қатори Шарқда социализмнинг машъали бўлиб қолди.

Муҳтарам газетхон! Республикамизнинг юксалиш рақамларига назар ташланг: Ўзбекистон ССР саноатининг ялпи маҳсулоти совет ҳокимияти йилларида 24 баравар ўсди. Халқимизнинг фахри бўлган пахта — «оқ олтин» етиштириш эса 1913 йилдагига нисбатан 7 марта кўпайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг қирқ йиллиги нишонланадиган 1964 йилда, айниқса баракали меҳнат қилмоқдалар. Индустриямиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари юбилей йилида планга қўшимча равишда 100 миллион кубометр газ, 20 минг тоннадан кўпроқ нефть, 44 минг тонна кўмир, 16 минг тонна цемент, 750 минг шартли плита шифер, 150 миллион киловатт-соат электр энергияси, 45 минг тонна минерал ўғитни она-Ватанга армуғон этадилар. Қишлоқ хўжалигимизни зўр бериб юксалтиришга мадад бўлсин деб кўплаб машиналар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эса бу йил она-Ватанимизга 3 миллион 600 минг тонна пахта, 45 миллион пуд дон, 290 минг тонна сут, 185 минг тонна гўшт, 16 минг тонна пилла, 296 минг тонна картошка, 673 минг тонна сабзавот маҳсулотлари ҳадя этадилар.

АГИТАТОР, СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН

АСРЛАР БИЛАН

Қирқ одим

Екуб МУМИНОВ,
Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг старший референти.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги йилларда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши 50 баравардан зиёд кўпайди. Биз қудратли социалистик индустрияни вужудга келтириб, иқтисодий қолоқликка абадий хотима бердик. Ўтмишда иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган Россия эндиликда жаҳоннинг иккинчи индустриал давлати бўлиб қолди.

Ҳукуматимиз бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчев Бирлашган Араб Республикасида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди. «Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тақдири Misрнинг тақдирига кўп жиҳатдан ўхшаб кетар эди. Ўзбекистон ўтмишда чоризмнинг мустамлакаси, ҳуқуқсиз ва мазлум кишиларнинг мамлакати, камбағаллик ва касаллик авж олган мамлакат эди. Ўзбекистонда саноат сира ҳам ривожланмаганлиги сабабли, ҳатто михни ҳам узоқ жойлардан келтирар эдилар. Ҳозирчи? Совет Ўзбекистонида 100 дан ортиқ саноат тармоғи бор. Ўзбекистон ўз маҳсулотини жаҳоннинг 58 мамлакатига экспорт қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси революциядан илгариги бутун Россияда ишлаб чиқарилган электр энергиясидан тўрт баравар ортиқдир».

Республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашда Ўрта Осиё иқтисодий районининг тузилганлиги муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон қардош республикаларнинг саноатига раҳбарлик қилиш учун ягона Халқ хўжалиги кенгаши тузилди. Шундай қилиб Ўрта Осиёдаги қардош республикалар социалистик саноатини комплекс ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди.

Етти йиллик мобайнида Ўзбекистон саноатида жиддий сифат ўзгаришлари рўй берди. Йирик газ саноати барпо этилди. Рангли металлургия, химия, электротехника саноатлари барқ уриб ривожланди. Қурилиш индустрияси корхоналарининг равнақига пойдевор қўйилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари бетўхтов ривожланиб бормоқда.

Етти йиллиннинг беш йили мобайнида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 4 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. Бу эса шундан аввалги беш йилликда халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағдан икки баравар кўпдир. Беш йил мобайнида 400 янги корхона ва цех ишга туширилди. Саноатнинг ялпи маҳсулоти 45 процент кўпайди. Маҳсулотнинг жуда кўп янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Машиналарнинг 200 хилидан кўпи ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, саноат ва қурилишга раҳбарликни такомиллаштириш юзасидан Коммунистик партия томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида, халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг яхшиланганлиги самарасидир.

Улуғ Октябрга қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида 3,3 миллион киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқарилган эди. Ҳозир республикамиздаги иссиқлик ва гидроэлектростанцияларда йилига 8 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқарилмоқда. Тошкент ва Навоий ГРЭСлари, Чорвоқ гидроузели ва бошқа бир қанча электростанцияларнинг ишга туширилиши натижасида республика халқ хўжалигини электр энергиясига бўлган талаби тўла-тўкис қондирилади.

Ўлкамизнинг ёқилғи саноати ҳам барқ уриб ривожланмоқда. Янги нефть конларининг ишга туширилиши натижасида ўтган йили 1.792 минг тонна нефть қазиб чиқарилди. Табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланиш йилига 35 миллион сўмни тежаб қолишга имкон беради. Етти йиллик охиригача республикамиз нефть ва газ саноатининг маҳсулоти 68 процент кўпаяди.

Рангли металлургия саноатининг ривожланиш суръатлари жиҳатидан ҳам Ўзбекистон мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Олтинтопган полиметалл комбинати кенгайиб бормоқда. Комбинатда тўлиқ металлургия цикли барпо этилмоқда. Республикамиз фақат маъдан қазиб олаётган райондан кон-металлургия районига айланиб боряпти.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда машинасозлик саноати барпо этилди. Ўлкамизда мамлакатда ягона бўлган ва жаҳонда иккинчи ўринда турувчи пахтачилик машиналари бўйича йирик машинасозлик маркази барпо этилди.

1940 йилда ишга туширилган Чирчиқ электрохимия комбинати Ўзбекистон химия саноатининг тўнғич корхонасидир. Шундан кейинги йилларда Самарқанд, Фарғона, Андижон ва бошқа шаҳарларда химия саноати корхоналари барпо этилди. Ҳозир Навоий химия комбинати, Фарғона азот ўғитлари ва сунъий тола заводлари барпо этилмоқда. Республикада яна 10 та янги химия корхонаси қурилади ва ишлаб турган 12 корхона реконструкция қилинади.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон пахта тозалаш саноати қайта тикланди, деб айтиш мумкин. Саноатнинг бу тармоғи қолоқ ярим кустарь заводлардан механизациялашган корхоналаргача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозир республикамизда 65 та йирик пахта тозалаш заводи бўлиб, улар йилига 3 миллион 600 минг тонна пахтани қайта ишлашлари мумкин. Пахта толаси тайёрлаш 1913 йилдагига нисбатан 6 баравар кўпайди.

Ўзбекистонда енгил саноатнинг янги тармоқлари — ипгазлама ва шойи саноати барпо этилди. Тўқимачилик корхоналари йилига 250 миллион метр ип-газлама тўқиб чиқармоқдалар. Шойи тўқув фабрикаларида эса 35 миллион метр ипакгазлама тайёрланмоқда.

Ўзбекистон саноати 40 йил ичида шонли йўлни босиб ўтди, 40 қаҳрамонона одим ташлади. Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш соҳасида эришилган жуда катта ютуқлар ленинча миллий сиёсатнинг қудрати ва ҳаётийлигидан далолат берадики, ўтмишда қолоқ бўлган халқ Коммунистик партия раҳбарлигида тарихан жуда қисқа муддат ичида зулматдан ёруғликка, қолоқликдан маърифатга қараб шаҳдам қадам ташлади.

РАҚАМЛАР

● Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ҳозирги Ўзбекистон территориясида 6 та кичик электростанция, битта нефть кони, битта нефтни қайта ишлаш заводи, 20 та гишт заводи, 14 та устахона бор эди, холос. Бу корхоналар алмисоқдан қолган машиналар билан жиҳозланган бўлиб, иш унуми жуда паст эди.

● Эндиликда эса Ўзбекистон Совет Иттифоқининг экономикаси тараққий этган районларидан бири. Республикамиз саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича БЕШИНЧИ, табиий газ қазиб олиш бўйича ТЎРТИНЧИ, рангли металлар ишлаб чиқариш бўйича ЕТАКЧИ ўринлардан бирини, электр энергия ҳосил қилиш бўйича БЕШИНЧИ, минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича УЧИНЧИ, пахтачиликка машиналар етказиб бериш бўйича БИРИНЧИ ўринни эгаллаб турибди. Бу ютуқлар ўлкани индустрлаштириш бўйича ленинча план мевасидир. Бу, жонажон Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатнинг тантанасидир.

● Совет ҳокимияти йилларида республикада саноат ялпи маҳсулоти 24 БАРАВАР кўпайди. Агар 1924 йилдаги саноат ялпи маҳсулоти революциядан аввалги даражанинг ярмисини ҳам ташкил этмаганини эътиборга олсак, 40 йил ичида саноат ялпи маҳсулоти кам деганда 50 БАРАВАР кўпайганлиги равшан бўлиб қолади.

● Ҳозир республиканинг пахта заводларида йилига 1 миллион тоннадан кўпроқ пахта толаси тайёрланмоқда. Ёки бошқача айтганда; 1924 йилда ярим ойда тайёрланган тола, эндиликда бир кунда тайёрланмоқда. Ўзбекистон корхоналарида БИР ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТОЛАДАН ЕР ЮЗИДАГИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ИККИТАДАН КУЙЛАК ТИКИБ БЕРИШ МУМКИН.

● 40 йил ичида электр энергияси ҳосил қилиш 540 БАРАВАР кўпайди. Бунинг маъноси шундаки, Совет Ўзбекистонида бундан 40 йил аввал БИР ЯРИМ ЙИЛДА ҳосил қилинган энергия БИР КУНДА ишлаб чиқарилмоқда.

● 1924 йилда кўмир саноати умуман йўқ эди. 1963 йилда эса 4,716 минг тонна кўмир қазиб олинди. Бундан 40 йил муқаддам 5,6 минг тонна нефть қазиб олинган бўлса, 1963 йилда 1.792 минг тонна нефть чиқарилди, ёки нефть чиқариш 320 марта кўпайди.

● Республика корхоналарида йилига 13 миллион жуфт пойафзал тайёрланмоқда. Бундан 40 йил илгари 5 йилда тикилган пойафзал, энди бир кунда тикилмоқда.



«ЗАНГОРИ КЕМА»-ЛАР МАКОНИ

Иттифоқимизнинг пахтакор республикаларини пахта териш машиналари билан таъминлаб турган «Ташсельмаш» заводига телефон қилганимизда трубкада: «Корхона партия ташкилотининг секретари эшитяпти», деган жавоб бўлди. Ўрток С. И. Рудюкка ҳам юқоридаги савол билан мурожат қилдик.

— 1927 йилнинг 10 ноябрида корхонамиз ишга тушган. Ушанда механика заводи деб аталарди. Кейин у қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Завод конвейеридан энг янги машиналар туша бошлади. «СХМ-48М» пахта териш агрегати «ХВС-1,2» машинаси билан алмаштирилди. Бу йилдан эса, яна ҳам унумли машина — «ХТ-1,2» пахта териш машинаси ишлаб чиқарилмоқда. Машинасозларимиз бу билан пахтачиликни механизациялашга катта йўл очиб бердилар. Бу йил пахтакорларга 7400 та осма пахта териш машинаси ҳадя этамиз.

ТЎНҒИЧ КОРХОНАЛАР

Мухбиримиз кўни кеча республикамизнинг тўнғич корхоналарига телефон қилиб:

— Корхона қачондан буён маҳсулот ишлаб чиқаряпти? Унинг камолотини қисқача қандай фактлар билан характерлаш мақбулроқ? — деган савол билан мурожаат қилди.

Биз қуйида телефонда сўзлашган кишиларнинг жавобларини келтирамиз.

Телефонда ўзбек пролетариатининг дастлабки куртаклари пайдо бўлган корхона — Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров:

— Заводни бундан 40 йил муқаддам «Қизил Шарқ» устахонаси деб аташган. Вагонлар ночор домкратларда кўтарилган. Оғир ускуналар икки букилиб елкаларда ташилган. Устахонанинг тор, қоронғи бўлган. Эндичи? Ҳар ойда 35-37 тепловоз, бир неча ўн вагонни ремонтдан чиқаряпмиз. Юклар домкратларда, қўлларда, елкаларда эмас, балки қудратли кранларда кўтарилаётгани учун ҳам, корхона замонавий техника билан ускуналангани учун ҳам ажойиб кўрсаткичларга эришяпмиз. Бу ерда Совет Иттифоқида биринчи бўлиб дизелли синводан ўтказишнинг янги методлари ишлаб чиқилди. Ремонт қилинадиган деталларни электр энергияси ёрдамида ишлаш амалга оширилди. Қудратли тепловозларни ремонт қилиш Иттифоқда биринчи марта шу корхонада бошлаб берилди. Шуларнинг ўзи ҳам томчида қуёш акс этганидек, бир вақтлардаги кичкина устахонанинг кейинчалик қандай катта замонавий улкан корхонага айланганини кўрсатиб турибди, менимча.

• • •

Телефонда биринчи ўзбек химик инженерларидан бири — Чирчиқ электрохимия комбинатининг цех бошлиғи Омон Илёсов.

— Эсимда, 1940 йилнинг 7 ноябрида комбинатда суюқ аммиакнинг дастлабки килограммлари ишлаб чиқарилганди. 1941 йилнинг январида эса Чирчиқ селитраеннинг дастлабки пуллари Фарғона пахтакорларига жўнатилди. Шундан буён пахтакорларга эшелонлаб ўғит жўнатамиз. Дастлабки йиллар цехлар лойиҳадаги қувват билан ишлай олмаган бўлса, ҳозир лойиҳадаги қувватдан 1,5-2 баравар ортиқ маҳсулот ишлаб чиқараётган цехларимиз бор. Яқинда минерал ўғит цехида грануляция башняси комплекси ишга тушди. Донадор аммиак селитраси ишлаб чиқарила бошланди. Гранбашня комплекси ишга тушиши билан цехнинг қуввати бир ярим баравар ошди. Энди қишлоқ хўжалигимиз йилига қўшимча юзлаб эшелон ўғит ола бошлайди. Биргина бу эмас. Яқинда комбинатимизда таркибида жуда кўп — 46,6 процент азоти бўлган янги ўғит — карбамид ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Заводлар билан баслаша оладиган карбамид цехи ҳадемай лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлайди. Корхонамиз ўғит «маконин». Ундан пахтакорларни борган сари кўпроқ баҳраманд этаверамиз.

• • •

Телефон трубкасини ўзининг камалакдай товланадиган газламалари билан дунёга танилган Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Х. Ражабова олди.

— Бажонидил. Шундай фактлар бор. Ёзиб оларсиз, секинроқ айтайми? Хўп-хўп. Комбинат 28 йилдан бери маҳсулот чиқаряпти. Ҳозир учта йигирув фабрикамизда лойиҳадаги 200 минг ўрнига, 322,5 минг урчуқ бор. Иккита тўқув фабрикамизда 6080 автоматик станок тўхтовсиз ишлаб турибди. Ип йигирув фабрикамизда эса 38 минг йигирув урчуқлари ҳаракатда. Булар — бир вақтлар лойиҳада кўзда тутилганидан 1,5 баравар катта кўрсаткичлар. Ҳа, ҳозир лойиҳадагидан 1,5 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги шарафига бу йил планга қўшимча 1 миллион метр аъло сифатли газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олганмиз. Сўзимиз — сўз.



«Ташсельмаш» заводи йил сайин пахта териш машиналарининг янги унумли хилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириб бормоқда. Бу йилдан «ХТ-1,2» осма терим машинаси ишлаб чиқарилятпти. Бундай машиналар шу йилнинг ўзидаёқ «оқ олтин» далаларимизда жавлон уради. Суратда: пахта териш машиналари заводнинг бош конвейерида.

И. Глауберзон фотоси.

СЎЗ — КЕКСА МУТАХАССИСЛАРГА

УНУТИЛМАС 45 КУН

1939 йил июль ойининг охирлари... Фарғона кўчаларида бир неча кундан бўён кечаю кундуз одамлар оқими тиммайди. Кетмон, болта, кирка кўтарган колхозчилар пиёда, араваларда, автомашиналарда кўчаларни тўлдириб боришади. Хўжалик юклари ортилган карвонларнинг кети кўринмайди. Улар Катта Фарғона канали трассасига шошилишади. Уч кун ичида трасса участкаларига 16 минг колхозчи 930 автомашина ва 11 минг 125 арава билан келиб ўрнашди.

28 июлда Катта Фарғона канали трассасида иш бошланиб кетди. Кетмонлар ишга тушиб, одамлар қопларда, замбилларда тупроқ ташишга киришиб кетдилар. Шу куниёқ ажойиб натижага эришилди. Трассанинг 20-участкасида Тошлоқдаги «Донбасс» колхозининг аъзолари тупроқ чиқариш топшириғини 200 процент ado этдилар. 12-участкада Олтинкўл районининг «Ҳақиқат» колхозидан келган 40 колхозчи 120 кубометр ўрнига 225 кубометр тупроқ қазиб чиқаришга муваффақ бўлди. Канал ўзанидан тупроқ чиқаришда шу куни «Норин» колхози аъзоси Дўнан Дўсанов рекорд кўрсаткичга эришди. У трассанинг биринчи участкасида кунлик топшириқни 414 процент ado этди. Иккинчи куни — 571, учинчи куни — 730, тўртинчи куни — 800 процентга етказиб тупроқ чиқарди. Кун сайин рекорд қўювчи қаҳрамонларнинг сони орта борди.

Канал трассасидаги 39 участкада 16 минг колхозчи ва 3000 га яқин инженер-техник ходимлар 45 кун ичида унутилмас жасорат кўрсатдилар. 270 километр узунлиқдаги, кенглиги 25-30 метр, чуқурлиги 3,5-4 метр бўлган Катта Фарғона канали қазиб тамомланди. 16 миллион кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди, 400 та ҳар хил типдаги катта-кичик ирригация иншоотлари қурилди.

Бунинг натижасида Сирдарёга қуйилувчи Норин дарёси сувидан суғориш учун фойдаланиш имконияти очилди. Экиладиган ва суғориладиган 500 минг гектар ердаги суғориш ишлари яхшиланди. 70 минг гектарга яқин суғориладиган ер ўзлаштирилди.

Б. УСМОНХУЖАЕВ,
Катта Фарғона каналининг бошлиғи.

БИРИНЧИ НУРХОНА

Москвада ГОЭЛРО плани тузилаётган пайтлар эди. Республикамизда биринчи нурхона қуриш идеяси ҳам худди ўша пайтда туғилди. Тошкент трамвай паркининг ходими Семён Григорьевич Середа биринчи гидроэлектростанция қуришнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Кўп ўтмай Бўзсув каналида биринчи нурхона қурилиши кўпчиликка маълум бўлди. Қурилишни бошқариш унинг ташаббускори С. Середага топширилди.

Кейин у Москвага йўл олади. М. И. Калинин ва Г. М. Кржижановский ҳузурида бўлади. Улар Бўзсув ГЭСи лойиҳасини маъқуллашади. Владимир Ильич Ленин эса шахсан Бўзсув ГЭСи қурилиши сметасига имзо чекиб, тегишли ташкилотларга қурилишни ускуна ва материаллар билан таъминлашни топширади.

Бу биринчи нурхона қурилишида республикадаги биринчи инженер-энергетик аёл — Ольга Ивановна Копитовская актив иштирок этди. Ўша пайтда биз студентлар ҳам қурилишда турли ишларни бажарганлик.

Ўрта Осиёдаги биринчи нурхона — Бўзсув ГЭСи 1926 йилнинг биринчи май куни ишга тушди.

Биринчи нурхона қурилиши бошлиғи С. Середа — ҳозир шахсий пенсионер. Кейинчалик «Ўзбекэнерго» трестида 35 йил ишлаган биринчи инженер-энергетик аёл О. Копитовская ҳам бундан бир неча йил илгари пенсияга чиққан. ГЭС қурилишида ёш мутахассис сифатида иштирок этган. И. Каминский эса Тошкент политехника институтида профессор. Монтажчи А. Кузнецов бўлса, ҳозир қурилаётган очиқ типдаги йирик Тошкент ГРЭСида директор. Унинг ҳамкасби Р. Пидаев худди ўша биринчи ГЭСда ҳозир машинист бўлиб ишлаяпти. Биз биринчи нурхона қурувчилари билан тез-тез учрашиб турамиз. Шунда ҳар гал республикамизда биринчи марта Ильич чироқлари ёнган кунни, албатта, ёдга оламиз.

И. ОРАНСКИЙ,
Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси.

ФАНИМИЗ — КОММУНИЗМ ХИЗМАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ У. ОРИФОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади,— деди президент «Совет Ўзбекистони» мухбири билан суҳбатда. — Ўтмишимиз тарихига назар ташласак, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар, жумладан ўзбек халқи саводсиз эди. Совет ҳокимияти йилларида саводсизликка абадий хотима берилди.

Бир воқеа менинг ёдимга тушди. Шу асрнинг бошларида нашр этилган «Вестник воспитания» журналида босилган мақолалардан бирида, агар мактаблар қуриш бундан буён ҳам шундай суръат билан борадиган бўлса, у ҳолда Ўрта Осиёда саводсизликни тугатиш учун 4600 йил талаб этилади, дейилган эди.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан Совет Ўзбекистони қирқ йил ичида ҳар тарафлама камол топган ўлка бўлиб қолди. Қирқ йил ичида Ўзбекистонда фан ва маориф жуда тез одимлар билан тараққий этди.

Революцияга қадар саводсизлик ва жаҳолат ҳукмрон бўлган Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 6736 мактаб бор. Бу мактаблар қучоғида меҳнат аҳлининг 2 миллиондан ортиқ фарзанди таълим оляпти. Республикамиз шаҳарларида 30 та олий, 86 та ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, булар халқ хўжалигимизнинг турли соҳалари учун малакали кадрлар етиштириб беряпти. Ҳозирги вақтда ҳар 10 минг киши ҳисобига тўғри келадиган студентлар сони жиҳатидан Ўзбекистон Франциядан уч марта, Италиядан уч мартадан зиёд, Германия Федератив Республикасидан қарийб тўрт марта ўзиб кетди.

Республикамизда фаннинг ҳамма тармоқлари тез одимлар билан ривожланаётганлиги билан фахрланамиз. Республика Фанлар академияси йирик илмий тадқиқот муассасаларини ўзига бирлаштирган. Экономика ва маданиятнинг актуал масалаларини ҳал этаётган 8 мингдан ортиқ илмий ходимларимиз бўлиб, булардан 80 га яқин киши фан докторн, 700 дан ортиқ киши фан кандидатидир. Утмишда уй чўриси ҳисобланган ўзбек хотин-қизлари бугунги кунда коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида эркаклар билан ёнма-ён бораётганликлари билан гоят фахрланамиз. Республикамиз қишлоқ хўжалигида юз минглаб, шунингдек саноат, транспорт ва қурилишларда 220 мингдан ортиқ, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасаларида 180 минг ўзбек аёли меҳнат қилмоқда. Академияга қарашли илмий институтларда эса 3100 дан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Республика Фанлар академияси илмий тафаккурнинг ҳақиқий марказидир. Математика, физика, химия, биология ва фаннинг бошқа асосий соҳалари бўйича илмий муассасалар вужудга келди, уларнинг иш кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Физика соҳасида қатта ютуқларни қўлга киритдик. Кейинги вақтларда ядро физикаси, радиоцион физика, космик нурлар физикаси, электроника, қаттиқ жисмлар физикаси сингари тармоқлар ривожланиб, булар халқ хўжалигини ривожлантиришда атом энергиясидан фойдаланиш масалаларини ҳал этиб бермоқда. Физика техника институтида ярим ўтказгичлар физикасини тадқиқ қилиш бўйича кенг миқёсда иш олиб борилаётир. Бу ерда гелиотехника ва гелиофизика юзасидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари қуёш энергиясидан халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш масалаларини ҳал қилишга катта ёрдам беради.

Механика институти ҳисоблаш маркази билан биргалиқда пахта терим машиналари яратишнинг назарий ва амалий томонларини ҳал этиш, ҳисоблаш маркази базасида эса кибернетикани кенг тараққий эттириш ишлари олиб борилятпти. Биология ва химия фанлари тез суръатлар билан ўсяпти. Фаннинг бу тармоқлари халқ хўжалигини химиялаштириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ҳамда медицинани ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Биолог ва химикларимиз партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида халқ хўжалигини химиялаштириш ва қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг энг муҳим проблемалари устида ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Тарих ва археология институти коллективи республикамизда социализм ва коммунизм қурилиши тажрибаси, ўзбек ва рус халқлари дўстлигининг тарихий илдизлари. Ўрта Осиёнинг Россияга ихтиёрий қўшилишининг прогрессив аҳамияти сингари масалаларни умумлаштириш иши билан шуғулланяпти. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ходимлари ўтмишда қолоқ бўлган мамлакатларнинг капиталистик тараққиёт йўлини четлаб ўтиб, социализм қурилишига қадам қўйганликларини Ўзбекистон мисолида назарий жиҳатдан умумлаштирмоқдалар. Шунингдек, синфий тафовутларнинг аста-секин йўқолиб боришн, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни бартараф этиш, жисмоний ва ақлий меҳнатнинг уйғунлиги, Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бирига яқинлашуви, коммунистик тарбия, коммунистик ахлоқ проблемалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш иши академиянинг диққат-марказида турибди. Академия составининг ёшлар ҳисобига айниқса ўсди. Сўнгги 5,6 йил мобайнида 50 дан ортиқ докторлик ва 500 дан зиёд кандидатлик диссертациялари ёқланди. Шу даврнинг ичида 1000 дан ортиқ киши аспирантурага қабул қилиниб, уларнинг бир қисми мамлакатимиздаги турли илмий марказларга юборилди. Ёш кадрлар етиштиришга 400 дан ортиқ олим, жумладан 200 дан ортиқ академик ва корреспондент аъзо, фан доктори ҳамда профессор жалб этилган.

Академиямизнинг истиқболи янада порлоқ. Олимларимиз ва илмий ходимларимиз фаннинг турли соҳаларини ривожлантириш, айниқса халқ хўжалигининг муҳим проблемаларини ҳал этиш юзасидан бундан буён ҳам катта илмий ишлар олиб борадилар. Ядро физикаси, радиоэлектроника, ярим ўтказгичлар электроникаси, ҳисоблаш математикаси, биология, геология, физиология, гелиофизика, геофизика, микробиология, радиобиология сингари барча тармоқларини ривожлантиришга айниқса катта эътибор берилади.

Барча олимларимиз ўзларининг бутун куч ва ғайратларини совет фанини тараққий эттириш, уни коммунизмга хизмат қилдириш йўлида фидокорона иш олиб борадилар.

БАСЛАШГАН ЙИЛЛАР

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИМИЗ РАВНАҚИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бутун Совет Иттифоқи учун аҳамияти каттадир. Республикамиз энг қимматли хом ашё — пахта етиштиради. Пахта эса мамлакатимиз экономикасида муҳим роль ўйнайди.

Биринчи жаҳон уруши ва граждандар уруши йилларида пахта етиштириш кескин камайиб кетди. 1913 йилда 432,5 минг гектар майдонда пахта етиштирилган бўлса, 1921 йилда 80 минг гектар ерга уруғ ташланиб, ҳаммаси бўлиб 14,1 минг тонна пахта териб олинди. Ҳолбуки 1913 йилда 517 минг тонна пахта етиштирилган эди.

1927 йилда Ўзбекистонда пахтачилик ривожлантирилиб, биринчи жаҳон урушидан олдинги даврдаражасига етказилди.

Биринчи беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши ва колхоз тузумининг галабаси натижасида Ўзбекистонда йирик коллектив хўжаликлар пахтачиликнинг асосий базаси бўлиб қолди.

Партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати туфайли СССР биринчи беш йилликда пахта жиҳатидан тўла мустақилликка эришди.

Иккинчи беш йиллик даврида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчи кучлари янада ривожлантирилди. Қишлоқ хўжалигини асосий қайта қуриш тугалланди. 1937 йилга келиб, республикадаги МТСлар сони 163 тага етди. Бу МТСларда умумий қуввати 263 минг от кучига тенг бўлган 18267 трактор бор эди. Иккинчи беш йилликнинг охирларида культивация ишлари 72,7 процент, ғўза парвариши эса умуман 49,1 процент механизациялаштирилди.

Пахта далаларига йил сайин кўпроқ минерал ўғитлар солина бошлади. Масалан, 1932 йилда республикага 207,7 минг тонна азотли ва фосфорли ўғитлар келтирилган бўлса, 1937 йилда 478,9 минг тонна ўғит ташиб келтирилди. Бунинг натижасида 1937 йилга келиб, республикада пахта ҳосилдорлиги икки баравар кўпайиб 16,1 центнерга етди.

Ҳосилдорлик ошганлиги туфайли ялпи ҳосил ҳам кўпайди. 1937 йилда 1527,5 минг тонна ёки 1932 йилдагига нисбатан икки баравар кўп пахта етиштирилди.

1941 йил пахтачиликни ривожлантиришда янги босқич бўлди. Шу йили ҳосилдорлик гектар бошига 17,4 центнерга етди, республика колхоз ва совхозлари 1 миллион 646 минг 18 тонна пахта йиғиб-териб олдилар.

Урушдан кейинги беш йилликда пахтачиликни қайта тиклаш ва урушдан олдинги даражадан анча ўзиб кетиш вазифаси қўйилди.

Ғ. Р. РИЗАЕВ,
профессор, иқтисод фанлари доктори.

□ □

1948 йилда МТСларга 257 янги трактор, 2724 та турли агрегат келтирилди, 383 минг тонна минерал ўғит ажратилди. Шу йили минерал ўғитлардан ташқари пахта далаларига 9.100 минг тонна маҳаллий ўғит солинди.

Экин майдонлари 1946 йилдаги 815700 гектардан 1950 йилда 1098100 гектарга етди. Шу йиллар ичида ҳосилдорлик жиҳатидан 1940—1941 йиллар даражасидан ўзиб кетилди. Чунончи, 1940 йилда гектаридан 15 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1948 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 15,6 центнерни, 1950 йилда эса 20,35 центнерни ташкил этди.

Бешинчи беш йиллик даврида республика пахтакорлари йиғимтерим ишларини ҳам механизациялаш учун кураш бошладилар. Республикамизда 1950 йилда етиштирилган ҳосилнинг 5,7 проценти, 1954 йилда эса 14,6 проценти машиналар билан териб олинди. Деҳқончилик маданиятининг ошганлиги, қишлоқ хўжалиги техника билан яхшироқ таъминланганлиги натижасида 1955 йилда 2 миллион 480100 тонна пахта тайёрланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленуми колхоз тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб берди. Пленумда социалистик қишлоқ хўжалигини, шу жумладан пахтачиликни кескин юксалтиришнинг программаси белгилаб олинди. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети февраль-март (1954 йил) Пленумининг қарорлари ҳам пахтачиликни янада ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан 1954 йил ноябрь ойида Тошкентда Ўрта Осиё, Закавказье пахтакор республикалари ва Қозоғистон ССР ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш СССРда пахтачиликни юксалтиришда янги даврни очиб берди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1955 йил 5 мартдаги «Қишлоқ хўжалигини йўналтириш практикасини ўзгартириш тўғрисида» ҳамда «Пахта етиштириш ва тайёрлашда моддий манфаатдорликни янада ошириш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарорлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, шу жумладан пахтачиликни ривожлантиришда катта роль ўйнади. Қарорда топшириладиган пахта баҳосини ошириш ва қўшимча ҳақ-мукофот тўлашнинг янги тартиби, МТС бажарган ишлар учун натура билан тўланадиган ҳақларни 40 процент камайтириш, сувга тўланадиган ҳақни бекор қилиш, минерал ўғитлар нархини пасайтириш кўзда тутилган эди. 1953 йилда колхозларда 46471 трактор мавжуд бўлса, 1956 йилга келиб уларнинг сони 54197 тага етди. Шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ҳам кўпайди.

1956 йилда республика колхоз ва совхозлари 1.300 минг гектар ерга чигит экиб, давлатга 2 миллион 860 минг тонна пахта етказиб бердилар. Бир йил ичида ялпи ҳосил 380 минг тонна кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1958 йилда бўлиб ўтган февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарори пахтачиликни ривожлантиришда катта роль ўйнади. Шунингдек, колхозлар зиммасидаги қарзларнинг кечиб юборилганлиги пахтакор хўжаликлар экономикасини юксалтиришда муҳим омил бўлди.

1958 йил 18-20 февралда Москвада пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қилинган ишларга якун ясади ва пахтачиликни бундан бўён ривожлантириш йўлларини белгилаб берди. 1958 йили республика пахтакорлари давлатга 2 миллион 946 минг тонна пахта етказиб бердилар.

Партия ва ҳукуматимиз колхоз ва совхозларга жуда катта ёрдам кўрсатмоқда. 1963 йилда республика қишлоқ хўжалигида 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 79.570 трактор, 5.630 комбайн, 13.479 пахта териш машинаси, 16.748 та чигит экадиган сеялка, 2.109 та ғўрак териш машинаси, 840 экскаватор ва 3.270 та бошқа мураккаб қишлоқ хўжалик машиналари ишлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1963 йилда пахта харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳамда пахтакор колхозларга дон сотиш тўғрисидаги қарори колхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, пахта етиштиришдан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда катта роль ўйнади. Партия ташкилотлари ўтган йили қолоқ колхозларга 570 мутахассис юбордилар. 103 колхоз ва совхоз, 1308 та бригада ва ферма кадрлар билан мустаҳкамланди. КПСС XXII съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга оширяётган республика пахтакорлари ўтган йили давлатга 3690 минг тонна пахта сотиб, катта галабага эришдилар. Республика бўйича ҳар гектар ердан ўртача 22,7 центнердан пахта олинди.

Республика пахтакорлари ўзлари тўплаган бой тажрибага таянib бу йил о..а-Ватанга 3 миллион 600 минг тонна пахта етказиб бериш, янада кўп ҳосилни машинада йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар.

ФАКТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Пахтазор оралаб ўтган ёлгизоёқ йўлдан илдам кетаётган Уроқ бобо билан Бозор бобо ҳадемай Райим Раҳмонов бошлиқ бригаданинг дала шийпонига етиб олишди. Уларга ҳамроҳ бўлиб адашмабмиз, бу ерда ажойиб суҳбат уюштирилаётган экан.

— Шу йил октябрь ойининг охирида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллик тўйини жуда катта шод-ҳуррамлик билан байрам қиламиз, — деб сўз бошлади агитатор. — Бизнинг Қашқадарё воҳамизда асосан ўттизинчи йилларда колхозлар тузила бошлади. Хўш, ўша йиллари, қолаверса, қирқинчи йиллargачa колхозимизда нима бор эди? Ун жуфт хўкиз-у, омоч-бўйинтуруқ, эллик-олтмишта кетмон-у, белкурак, бунинг ярмидан сал кўпроқ замбил, тўрт-бешта эшак арава-ю, яна бир нечта қишлоқ хўжалик асбоблари, йигирма бошга яқин қорамол дан бўлак ҳеч нарса йўқ эди-да! Эндичи?

Партия ва ҳукуматимиз колхозчиларга ёрдамга келди. Пул, маблағ, трактор, дон, нон берди. Уруш бошланмасдан олдин ҳар гектар ердан 6.7 центнерга етказиб пахта ҳосили олиб келган бизнинг колхоз ҳам қаддини ростлаб олди. Бунинг учун уч-тўртта рақам келтирсам кифоя бўлур деб ўйлайман. 1953 йили колхознинг умумий даромади эски пулда тўрт юз минг сўмга ҳам бормасди. 1961 йили янги пулда 740 минг сўм, 1962 йили 920 минг сўм, ўтган йили эса 1 миллион 134 минг сўм даромад қилдик. Агар 1953 йили меҳнат кунига тийинлаб ҳақ тўланган бўлса, 1963 йили 1 сўм 48 тийиндан пул тақсимланди. Бу йил эса 20 сўм 10 тийиндан берилади.

Сўнгра агитатор колхоз ишлаб чиқаришида рўй берган юксалишларга тўхталди. Кейинги икки йил ичида 2 та мактаб биноси, 6 минг товуққа мўлжалланган парранда-хона, 120 бузоқ сиғадиган бузоқхона, колхозчилар учун 200 дан ортиқ уй-жой қурилганлигини, колхоз қишлоғи қиёфаси таниб бўлмаслик даражада ўзгарганлигини айтиб ўтди.

Бу йилги муваффақиятлар ҳам агитаторнинг диққат марказида бўлди. 2.600 гектар лалмикор ернинг ҳар гектаридан пландаги 4 центнер ўрнига 9 центнердан дон топширилганлиги, давлатга қоранўл тери, тухум топшириш планларининг ошириб бажарилганлиги, 9 ойлик сут сотиш топшириғи аллақачонлар ошиғи билан адо этилганлигини бирма-бир гапириб берди.

Суҳбат янада қизиб, савол-жавобга айланиб кетди. Биринчи бўлиб суянчи Уроқ бобо қўл кўтарди:

— Октябрь инқилобига қадар ва ундан кейинги дастлабки йилларда пахтачиликда 135 минг омоч ишлатиларди, дедингиз. Ҳозир Ўзбекистонимизда қанча трактор бор, ўғлим? Шуни ҳам бир айтиб берсангиз...

— Ҳозир ўтган йилдаги ҳисоб бўйича республикамиз пахта далаларида 79570 та трактор, 13479 та пахта териш машинаси ва минглаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаяпти,— деди агитатор.— Ўзбекистонда 1929 йили атиги биттагина МТС бўлиб, унинг ихтиёрида 35 та трактор бор эди, холос.

Яна кўп саволлар берилди. Агитатор ана шу саволларнинг ҳаммасига тўла ва аниқ жавоб қайтарди. Суҳбат йиғилганларда жуда катта таассурот қолдирди. Қашқадарё область Қарши бошқармасидаги Энгельс номли колхоз агитатори Очил Фақировнинг суҳбатини эшитган ҳар бир киши у фахр билан тилга олган хилма-хил рақамларда коммунистик ҳаёт поэзияси, меҳнат, мўл-кўл маҳсулот ва бахт-иқбол поэзияси жаранглаётганини дарҳол пайқаб олди.

С. ҚОДИРОВ,
З. ИСРОИЛОВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбирлари.

Илгари қолоқ бўлган кўпгина халқлар капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, социализмга келдилар. Тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий асосларда ягона кўп миллатли давлатга—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашуви ва жипслашуви, уларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда мустаҳкам ҳамкорлиги, қардошларча дўстлиги, улар экономикаси ва маданиятининг равнақ топиши ленинча миллий сиёсатнинг энг муҳим якунидир.

КПСС ПРОГРАММАСИДАН.

ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ҳадемай серқуёш ўлка — Ўзбекистон қирқ ёшга — йигит ёшига тўлади. Қирқинчи одимини ташлаяпти. Келинг, шу қирқ одим — қирқ йилдан бир нечтасининг салобатини мезонга солиб кўрайлик. Улар қандай яхши излар қолдирганини?

1924 ЙИЛ

Бу — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган йил. Тарихга олтин ҳарфлар билан ана шундай ёзилган. Лекин бу йилнинг мазмуни шу билан чегараланиб қолмайди. 1924 йил қатор ёркин излар ҳам қолдирди. Тўқиз**та янги электростанция, иккита металлни қайта ишлаш корхонаси, иккита тикув, битта пиллакашлик фабрикалари, тери заводи, кондитер фабрикаси** қуриб битказилиб ишга туширилди. Салобатли одим ташланди. Республика саноатининг куртаклари пайдо бўлди. Ҳозирги замонавий техника билан ускуналанган улкан корхоналарнинг асоси — ўша куртаклардир.

1927 ЙИЛ

Ўзбекистон ССР ўзининг учинчи одимини ташлади. Бу йилнинг салобати 1924 йил салобатидан уч карра ортиқ, мазмуни уч карра чуқур бўлди. Бир неча ўн корхона ишга тушди. Қанча-қанча корхонага пойдевор қўйилди. **Худди шу йили ҳозирги «Ташсельмаш» заводи фойдаланишга топширилди. У аввалига оддий асбоблар ишлаб чиқарган бўлса, кейинчалик қишлоқ хўжалиги машиналари тайёрлашни ўзлаштирди. Шундан бери бу завод пахтакор республикаларни машиналар билан таъминлаб келмоқда.** Ҳозир йил сайин пахта териш машиналарининг янги-янги унумли турлари пайдо бўлмоқда.

1932 ЙИЛ

Шу йилнинг 6 майи тарихда қолади. Тошкент тўқимачилик комбинати пойдеворига шу куни биринчи ғишт қўйилди. 1936 йилда эса бу комбинат дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди. Ўлканинг «оқ олтин»идан шу ернинг ўзида газламалар ишлаб чиқариш бошланди. **Бу билан республикамизда саноатнинг яна бир турига — тўқимачилик саноатига асос солинди, дейиш мумкин.** Ҳозир бу корхонада лойиҳадаги қувватидан 1,5 баравар ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача айтганда, **Тошкент тўқимачилик комбинатида йилига Канадада ишлаб чиқарилаётганича ёки Австрия тўқимачилик корхоналарининг газламасидан икки карра кўпроқ газлама тўқилмоқда.**

1940 ЙИЛ

Шу йили Ўзбекистонда химия саноатининг тўнгичи Чирчиқ электрохимия комбинати ишга тушди. Тўғри, 1924 йилда Қўқон ва Когон ўғит аралаштириш заводлари фойдаланишга топширилган эди. Лекин бу заводларда аслида саноат йўли билан ўғит ишлаб чиқарилмасди. Чирчиқ электрохимия комбинати ҳозир Иттифоқдаги энг йирик химия корхоналаридан биридир.

Қирқинчи йилга келиб ўлкамизда 60 дан ортиқ йирик саноат корхоналари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Қолоқ техника билан ўжхозланган бирорта ҳам эски заводлар қолмади. Улар қайтадан ускуналанди.

1944 ЙИЛ

Бу — ўлкамизда металлургия саноати ташкил топган йилдир. Шу йили Ўрта Осиёда биринчи марта Бекободда Ўзбекистон металлургия заводи пўлат ва прокат бера бошлади. Биргина бу эмас, «Ангренуголь» шахталаридан кўмир қазиб олиш йўлга қўйилди. Бу вақтга келиб, **республикамизда корхоналарнинг сони 200 дан ошиб кетди.** Улуғ Ватан уруши даврининг ўзида олтита янги электростанция ишга туширилди. Одатда 3-4 йилда қуриш мумкин бўлган бу электростанциялар 12-18 ой ичида қуриб битказилди.

1954 ЙИЛ

Шу йили қурилишни индустриал усулда олиб боришга ўтилди. Қурилишлар учун дастлабки йиғма темир-бетон конструкциялар жўнатилди. Мана ҳозир — ўн йилдан кейин эса республикамизда умумий қуввати 1.100 минг кубометрга тенг бўлган 40 та йиғма темир-бетон корхоналари ишлаб турибди.

Эллик тўртинчи йилнинг фазилати биргина бунда эмас. **Бу вақтга келиб республикамиз Хиндистондагидан 32 марта, Афғонистондагидан бир неча минг марта кўп электр энергияси ишлаб чиқара бошлади. Дания ва Испания сингари Европа давлатлари ҳам биргаликда шу вақтда аҳоли бошига Ўзбекистондагидан икки марта кам электроэнергия ишлаб чиқара олди.**

1964 ЙИЛ

Бу йил — химия йили бўлди. Химия катта йўлга тушиб олди. Ҳозиргача Фарғона азот ўғитлари заводида аммиак ишлаб чиқарувчи цехлар комплекси, Чирчиқ электрохимия комбинатида йирик карбамид цехи, минерал ўғит цехининг грануляция башняси комплекси ишга тушди. Бунинг натижасида Фарғона азот ўғитлари заводига Чирчиқдан аммиак ташиб кетишга чек қўйилди. Аммиак ўша ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди. Пахтакорларимиз таркибида энг кўп азотли бўлган карбамид ола бошладилар. Чирчиқда донадор селитра ишлаб чиқаришга ўтилди. Деҳқонларимиз йилига бир неча юз эшелон қўшимча ўғит оладиган бўлдилар. Бу йил республикамизда икки миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Ўтган йили эса бутун чор Россияси бир йилда ишлаб чиқарганидан 15 баравар кўп минерал ўғит тайёрланди. Навоий химия комбинатининг дастлабки цехлари ҳам ҳадемай ишга тушади. Бунинг натижасида химия корхоналари республикамизнинг ўғитга бўлган талабини қондиришга қолмай қардош республикаларга ҳам чиқара бошлайди.

Ҳозир бир неча-кундузда республикада 1.000 тонна пўлат эритилмоқда, 16 минг тонна кўмир, 6 минг тонна нефть, 6 миллион кубометр газ қазиб олинмоқда, 6 минг тонна цемент, 4 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит, 200 миллион киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозир республикамизда саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи, етти мингдан ортиқ саноат корхонаси мавжуд. Бу рақамлар қирқ йилнинг ҳар бири асрларга татийдиган йил бўлганидан, улар асрлар билан баслаша оладиган йиллар эканлигидан далолат беради.

М. МАНСУРОВ.

РАҚАМЛАР

- 1928 йили пахта экиладиган майдонлар республикамизда 588,5 минг гектарга етказилиб, пахтанинг ялпи ҳосили 534,0 минг тоннани ташкил этди.
- ВКП(б) Марказий Комитети 1929 йилнинг июль ойида биринчи беш йилликда пахтачиликни янада ривожлантириш программасини белгилаб берди. Биринчи беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши туфайли пахта етиштириш тез суръатлар билан ривожланди. Пахта экиладиган майдонлар 1932 йилга келиб 989 минг 800 гектарга кенгайди. 1932 йили пахтанинг ялпи ҳосили 787,9 минг тоннани ташкил этди.
- Ўзбекистонда 1929 йили атиги битта МТС бўлиб, унинг ихтиёрида 35 та трактор бор эди. 1932 йилга келиб МТСлар сони 73 тага, тракторлар эса 2809 тага етказилди. 1963 йилда қишлоқ хўжалигида 79570 та трактор ишлади.
- 1937 йили 1527,5 минг тонна пахта териб олинди ёки ҳосилдорлик 1932 йилдагига қараганда икки баравар кўпайди.
- 1941 йили деҳқончиликдаги барча ишларнинг 80 процента тракторлар билан бажарилди. Уша йили республика бўйича 1646018 тонна пахта топширилди.
- 1946—1950 йиллар давомида экин майдонлари анча кенгайди. 1940 йилдагига нисбатан 174 минг 600 гектар кўп ер қўшилди. 1950 йили 2223,7 минг тонна пахта етиштирилди.
- Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бешинчи беш йилликда пахта етиштиришни 55—60процент кўпайтириш вазифасини кўйди. 1955 йили 2480,1 минг тонна пахта топширилди.
- 1956 йили Ўзбек пахтакорлари мамлакатга 2860 минг тонна пахта сотдилар. Пахта етиштириш кейинги 16 йил ичида 1385 минг тоннага кўпайди.
- 1959 йил 1 январга қадар республика колхоз ва совхозлари давлатга 2946 минг тонна пахта сотдилар. Ўзбекистон шу вақтгача ҳеч қачон бунча пахта бермаган эди.
- КПСС XX ва XXII съездлари, партия Марказий Комитетининг сўнгги пленумлари қарорлари асосида республикада 25 центнердан кам ҳосил оладиган хўжалик бўлмаслигига эришиш учун социалистик мусобақа ҳар томонлама қизитиб юборилди. Бу мусобақа ўзининг яхши самараларини бераяпти.
- Республика пахтакорлари 1963 йили давлатга 3690,1 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Республика бўйича ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 22,7 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 578 минг тоннаси машиналарда териб олинди ва 3364 минг тоннаси қоп-қанорсиз ташилди. Пахтакорларнинг бу йилги марраси — 3 миллион 600 минг тонна.
- 40 йил ичида пилла етиштириш қарийб 10 баравар кўпайди. Илгари 1.763 тонна пилла тайёрланган бўлса, ўтган йили 17,5 минг тонна пилла топширилди.
- Гўшт етиштириш анча кўпайди, сут 3,5, тухум 6 баравар, жун етиштириш эса 4 баравар ошди.
- Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда моллар сони 6380,2 минг бошга кўпайди. Кейинги ўн йилда эса (1953—1963) 11.535 минг бошга кўпайди.
- Совет Ўзбекистони 1964 йили мамлакатга 35 миллион пуддан зиёдроқ дон етказиб берди. Республика тарихида ҳеч қачон бунча дон сотилмаган.
- Боғдорчилик, узумчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Токзорлар 1947 йилдаги 20765 гектар ўрнига, 1953 йили 28138 гектарга кенгайди, 1950 йили 58704 тонна хўл мева ва узум тайёрланди. 1963 йили эса 114,7 минг тонна хўл мева ва узум топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 174 центнерни ташкил этди.

Ўзбекистонда ҳар куни 170 оила янги уйларга кўчиб кирмоқда

1963 йилда 578 минг тонна пахта машиналарда терилди



Москва ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликлари Андижон областида биринчи бўлиб пахта йиғим-теримига тушдилар. Тайёрлов пунктларига пахта ортган карвонлар тинимсиз келиб турибди. Суратда: Москва пахта заводи қошидаги пахта тайёрлаш пунктида.
С. Безносов фотоси.

А. Хозиқов ишлаган расм.

ОЛИМПИАДА ҚИШЛОҒИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Олимпиада қишлоғи Токио спорт иншоотлари ўртасида биринчи бўлиб чет эллик меҳмонларни қабул қилади. Қишлоқ эшиклари 15 сентябрда очилади, 5 ноябрда эса бу ердан сўнгги меҳмон Ватанига қараб йўл олади.

Ҳозирда 745 минг квадрат метрлик катта майдонда сўнгги қурилиш ишлари олиб бориляпти, хизмат қилиш маркази, почта, телефон, банк, справочний бюро учун бинолар қурилиб битказиляпти.

Ҳушёрлик билан қўриқлаб турилган марказий дарвоза олдида мени олимпиада қишлоғи штабининг бошлиғи Фудзиоши Комасу кутиб олди. Унинг рухсатисиз ёки махсус пропуксасиз қишлоқ территориясига кириш қийин. Баландлиги уч метр, узунлиги беш километр келадиган девор билан ўралган қишлоқ қизиққонли ишчи-бозлардан холи бўлади. Шуни айтиш керакки, олимпиада қишлоғи учун жуда яхши жой танланган. Шовқинли Токиодек катта шаҳарда бундай тинч жойни топиш қийин. Қишлоқнинг уч томони квартиралар билан ўралган, тўртинчи томонига эса Япония пойтахтининг энг йирик дарахтлар массиви ҳисобланган Мейджи парки жойлашган.

Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган жойда олимпиада стадиони, гимнастика зали ва ёпиқ сузиш ҳавзаси иншоотлари қурилиб битказилди. Бу ерга қишлоқдан 15-20 минутда етиб келиш мумкин. Спортчилар ҳ.тиёрига талайгина автобуслар бериб қўйилади. Комфортабель автобуслар 20 та маршрут бўйича ҳаракат қиладилар. Улар олимпиада программаси бўйича ўтказилаётган мусобақа жойига қатнайдилар. Истаганлар эса мусобақа ўтаётган жойга велосипедда бориши мумкин. 500 та велосипед улар ихтиёрига бериб қўйилади.

— Спорт иншоотларини кўздан кечирайлик,—таклиф қилди Комасу.—Қишлоқнинг ўзида иккита спорт зали ишлаб туради. Улар Япония архитекторн Кендзо Танге лойиҳаси бўйича қурилган бўлиб, ҳозирги замон талабига тўла жавоб беради. Бу иншоот август ойининг охирларида фойдаланишга топширилди. Уларнинг бирида 9 та йўлкали 50 метрли ҳавза бор. Уни эсг ўтмай спорт залига айлантириш ҳам мумкин. Бу ерда сузиш бўйича ҳам, дзю-до кураши бўйича ҳам мусобақа ўтказиш мумкин. Кичик залда эса баскетбол бўйича олимпиада биринчилиги ўтказилади.

— Тажриба шуни кўрсатадики, — деб давом этади Комасу, — мусобақада муваффақиятга эришиш спортчиларнинг дам олишига ва тренировка савиясига боғлиқдир. Биз ҳам ана шуни назарда тутиб, қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрмоқдамиз. Спортчиларга ишконияти борича яхшироқ шароит яратиб бермоқчимиз.

Америкаликлар Вашингтон номидаги тепаликлардан қайтар эканлар, 264 та бино, 249 та пастқам уй ва 15 та тўрт қаватли биннони ташлаб кетдилар. Уларнинг ҳаммаси қайта қурилди ва реконструкция қилинди. Ҳар уч спортчига битта дан хона ажратилган.

Қишлоқнинг аёллар яшайдиган секциясидамиз. 15 сентябрдан бошлаб 52 кун мобайнида бу ерга бирорта эркак киши киритилмайди. Ҳатто полициячилар ҳам аёллардан бўлади. Аёллар эса эркаклар территориясига эркин ўтишлари мумкин. Улар бу ерда 400 метрли югуриш йўлкасида машғулот ўтказа оладилар. Ёшлар кинотеатларда, клубларда, очиқ эстрадаларда ва бошқа кўнгил очар жойларда учрашишлари мумкин.

Мусобақалар пайтида Япония ошпазлари зўр бериб ишлашлари лозим бўлади. Қишлоқда яшаётганлар учун миллиондан ортиқ турли таомлар тайёрлайдилар. Бундай «олимпиада» таоми учун 340 та сигир, 280 та чўчқа, 38 тонна нон, 72 тонна гуруч, миллионлаб литр сут ва бошқа маҳсулотлар лозим бўлади. Олимпиада қишлоғи ошпазлари узоқ вақтгача турли мамлакатларнинг таомларини қандай қилиб тайёрлашни ўргандилар. 150 хилдан иборат меню тузиб чиқилди.

Озиқ-овқат комбинати штатида 360 ошпаз, 530 официантка бор. Уларга Рим олимпиада тажрибасини ўрганиб чиққан Нобюо Мираками раҳбарлик қилмоқда.

Қишлоқни кузатиб бўлгач, биз Комасу билан марказий дарвозага қараб йўл олдик. Олимпиада қишлоғида қурилиш ишлари тугалланяпти. Яқин орада бу ерга беш континентнинг меҳмонлари келадилар.

Сергей ИЛЬИН,
АПН мухбири.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

РАДИО

16 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

БУГУНГИ ЭШИТТИРИШЛАР ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ.

6.15 — Тонгги концерт. 7.45—Пионер эрталиги. 8.25 — Бахт ва шодлик қўшиқлари. 9.25 — «Асосий бойлигимиз» (Фарғона қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари Г. А. Габриелянц сўзи). 10.25 — Концерт. 11.15 — «Катта индустрия ўлкаси» (Фарғона саноат область партия комитетининг биринчи секретари Р. Расулев суҳбати). 11.30—Концерт. 12.15—Маданият ходимлари — пахтакорларга. 13.00 — Илғор совхоз фермасида. 13.30 — Рус халқ чолғу оркестри концерти. 14.00—Фарғона пахтакорлари юбилей вахтасида. 16.00 — Фарғона ҳаваскорлари концерти. 16.40 — Одил Ёқубов, «Оталар изидан» (ўзбек тилида очерк). 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси фарғоналиклар меҳмони. 18.30—Ўзбекистон дурдонаси (радиокомпозиция). 19.20 — Концерт (Фарғона областининг донгдор кишилари учун). 20.00 — «Фарғона яшаяпти» (Фарғона область ижроия комитети раиси А. Апазов суҳбати). 20.10 — Концерт (Фарғона меҳнаткашлари талабига мувофиқ). 20.45 — Янгилик ҳаётга йўлланма оляпти. 21.15 — Фарғона ирригаторлари орасида. 21.25—Катта концерт (Фарғона пахтакорлари талабига мувофиқ). 22.00 — Фарғона меҳнаткашлари талабига мувофиқ бериладиган концертнинг давоми. 22.30—Фарғона шоирлари микрофон олдида. 22.45 — Концерт. 23.10 — «Конвертларни очганда» (концерт).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Кичкинтойлар учун** (эшитириш ва концерт).

Рус тилида: 18.25—**Олимпия машъали остида** (спорт эшитириши). 18.55 — **Яшил махлуқ** (телевизион бадиий фильмнинг 3-серияси). 20.15—**Телевизион янгиликлар.**

20.30 — **Эшитиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Маҳаллада дув-дув гап** (бадиий фильм). 22.20—**Пахтакорлар учун** (эшитириш ва концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Райна асирлари** (болалар учун).

Ўзбек тилида: 18.30 — **Бизнинг тренер** (очерк). 18.40 — **Халқ талантлари.** 19.10 — **Тошкент янгиликлари.** 19.20—**Ганг дарёси қизи** (телевизион фильм).

Рус тилида: 20.35 — **Суворовчилар** (ҳужжатли фильм). 20.55—**Врач маслаҳати.** 21.10 — **Ёш Осиё баҳори** (ҳужжатли фильм). 21.30 — **Тошкент янгиликлари.** 21.40 — **Бўрон болалари** (бадиий фильм. Н. А. Островский тугилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/IX да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/IX да **Хатарли йўл** (билетлар сотилган). 17/IX да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 17/IX да **Тошболта ошиқ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 16, 17/IX кеч соат 8 да **Узбекистон санъат усталарининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Темир ниқоб (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН». «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кундуз), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 6-10 минут ва 8 яримда).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
17 сентябрда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ
Кеч соат 8 да бошланади.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
счёт ёзиш ўзларига топширилган абонентларга таклиф қиладики,
ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН
ҳар ойнинг 1-кунидан 11-кунигача
СЧЕТ ЁЗИБ
тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.
Ўтган вақт учун
қарзлари бўлган абонентлар
ДАРҲОЛ ТЎЛАШЛАРИ ЛОЗИМ.
Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр оғоқ қилмасдан узиб қўйилади.

ЖАҲОН ЁШЛАРИ ФОРУМИ

Бугун Москвада ёшлар ва студентларнинг миллий мустақиллик ва озодлик учун курашда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга бағишланган форуми очилади. Бу воқеа, шубҳасиз, бутун дунё камоатчилиги диққат эътиборини ўзига жалб этади. Затанимиз пойтахти Москвага йиғилган форум делегатларининг кўпчилиги социалистик мамлакатлар ёшлари билан Осиё, Африка, Латин Америкаси ёшлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ниятида келганлар.

Бироқ озчилик бўлса ҳам форумга келган ёшлар орасида ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаётганлар ҳам бор. Улар жаҳон халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва бирликка путур етказмоқчи бўладилар. Бироқ эндиликда жаҳон халқларининг дўстлиги шу қадар монолит кучга айланиб бормоқдаки, бу куч қаршисида ҳеч қандай тўсиқ пишиқ эмас.

Форум кун тартибида ёш авлодни қизиқтираётган жуда кўп проблемалар бор. Аммо булардан энг муҳими эзилаётган халқларнинг миллий мустақиллиги, тинчлик ва тараққиёт учун кураш масаласидир.

Янги дунё уруш кучларини чекинишга мажбур этмоқда, мустамлакачиликнинг сўнгги асоратларига ҳам барҳам бермоқда. Форумга келган Жазоир вакиллари унда миллий озодлик ҳаракатига ёрдам берадиган конкрет программа белгилаб олишни таклиф этмоқдалар. Совет Иттифоқи делегацияси, шунингдек, форум қатнашчиларидан кўпчилиги буни тамомила маъқулламоқдалар. Шунинг учун ҳам форумда ирқчиликнинг ҳар қандай кўринишларини қаттиқ қоралашга қарор қилинди. Бундан ташқари форумда бутун дунё жамоатчилигини қизиқтираётган жуда кўп ҳаётий масалалар ҳам муҳокама қилинади. Реакцион халқаро ташкилотларнинг вакиллари форум чақирилишига тиш-тирноқлари билан қарши турдилар. Ҳатто Москва форумига африкаликлар ҳам, Латин Америкаси вакиллари ҳам келишмайди, деган фикрни олға сурдилар. Хитой ёшлар ташкилотларининг вакиллари халқаро тайёргарлик комитетининг чақиригини узоқ вақтгача бузиб кўрсатишга интилдилар. Улар Москвага ёзган хатларида форум ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, деган тушунчани илгари сурдилар. Бу хатларда Хитой вакиллари СССР ёшлар ташкилотлари комитетини «нотўғри йўл» тутаётганликда айблаб, «бирлик форумини ўтказишдан мақсадларингиз нимада?» деб савол бердилар. Бу хатларнинг мазмунидан Хитой комсомоллари форумда қатнашмайдилар деган тушунча келиб чиқади, албатта. Аммо Африка, Осиё ва Латин Америкаси ёшлар ташкилотларининг деярли ҳаммаси ўз вакилларини Москвага юборишга қарор қилдилар. Дастлабки учрашувдаёқ Хитой делегатлари Лихачев номли автозавод ёшлари билан учрашишдан бош тортдилар. Бу учрашувга боролмасликларига эса форумга ҳозирлик кўрамизда деган баҳонани рўкач қилдилар. Аммо бошқа мамлакатлардан келган барча делегатлар ҳам форумда бўладиган мунозараларга ҳозирлик кўряптилар. Лекин шунга қарамай, улар ўзларининг Москвадаги ога-иниларидан ва дугоналари билан учрашишга, Москва театрлари ва клубларида Куба, Кипр, Жазоир, Ангола, Жанубий Вьетнам ёшлари билан бўлаётган учрашувларга бориш учун ҳам вақт топмоқдалар.

Бугун очиладиган Москва форуми бундан олдин ўтказилган халқаро ёшлар учрашувлари ичида энг каттаси бўлади. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу форумда тинчлик учун кураш, термоядро урушига қарши қизғин мунозаралар олиб борилади. Ҳозирги замон ёшлари ғоят тараққийпарвар ва иродалидир. У халқаро вазиятни юмшатишга бутун кучини сарфлайди, ўзининг келажагини яратади.

ЁШЛАР ва студентларнинг жаҳон форумида қатнашиш учун Москвага нетаётган чет эл мамлакатлари делегатларидан бир группаси Тошкентга келди. Суратда: чапда Ҳиндистон ва ўнгда Афганистон делегатлари Тошкент аэропортида.

И. Глауберзон фотолари.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

«ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ ДУШМАНЛИК ПОЗИЦИЯСИ»

АККРА, 14 сентябрь. (ТАСС). Яқинда бу ерда Камерун халқлари иттифоқи революцион комитетининг олтинчи ялпи сессияси ўз ишини тамомлади. Камерун халқлари иттифоқи революцион комитетининг бу сессияси бажарган ишларнинг якунлари тўғрисидаги бу ерда эълон қилинган ахборотда революцион комитет Ангола, Португалия Гвинеяси Мозамбик, Жанубий Африка халқларининг ва Конго ватанпарварларининг озодлик курашини табриклайди. Камерун халқлари иттифоқининг революцион комитети, дейилади ахборотда, бутун ер юзидаги халқларнинг тинчлик учун, миллий мустақиллик ва демократия учун олиб бораётган курашини ҳам табриклайди ҳамда Америка империализминг Конго, Лаос ва Вьетнам ишларига аралашаётганлигини қоралайди.

Ахборотда яна шу нарса ҳам айтилганки, ХХР раҳбарларининг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати билан идеология соҳасидаги келишмовчиликлари бутун дунёда империализмга қарши курашаётган лагерь позициясини заифлантириши мумкин. Шу муносабат билан Камерун халқи иттифоқининг революцион комитети революцион кучларни мумкин қадар тезроқ жипслаштириш зарур, деган фикрни билдирди. Шу билан бирга революцион комитет шуни қайд қилиб ўтдики, «Хитойнинг масъул арбоблари Камерун халқлари иттифоқи партиясининг ички ишларига қўпол равишда аралашиб ва партия раҳбарлигига қарши чиқаётган оппортунист унсурларни қувватлаб, партияга нисбатан душманлик позициясига ўтиб олдилар». Ахборотда Хитой раҳбарларининг бундай ҳаракатларига қарши норозилик билдирилади.

БРАЗИЛИЯДА РЕПРЕССИЯЛАР

ГАВАНА. 14 сентябрь, (ТАСС). Бразилиядаги «Коррейо да Манья» газетаси мамлакатдаги сиёсий маҳбуслар яна қийноққа солинаётганлигини хабар қилади.

Пресса Латина агентлиги мухбирининг Рио-де-Жанейродан шу газетанинг хабарига асосланиб маълум қилишича қараганда. Пернамбуко штатида янги ерларни ўзлаштириш компаниясининг собиқ президенти Валдир Шеменесни қаттиқ қалтаклаганлар. Унинг бир неча қовурғаси синдирилган, умуртқаси шикастланган, баданининг баъзи жойлари қуйдирилган. Шеменес оғир ҳолатда ҳарбий госпиталга олиб келинган.

Экономист Жилдо Риоснинг бошига уриб, қулоқ пардаларини ёриб юборганлар.

Газетадинг ёзишига қараганда, Ресифе штатида сиёсий маҳбусларни қирғин қилдирмоқ учун музхона ичига қамаб қўймоқдалар. Гуанабара штатида шу мақсад билан маҳбусларнинг кўзига маъзава пуркамоқдалар.

Газета шу фактларни текшириш учун махсус комиссия тузишни талаб этмоқда.

Яна бир хабарда айтилишича, Бразилия журналистларининг миллий федерацияси республика президенти Умберто Кастело Бранкога мактуб юборибо журналистларни таъқиб қилишни тўхтатишни талаб қилган. Федерация гражданлик эркинликларини ҳурматлашни ва конституцияга риоя қилишни талаб этмоқда.

• • •

ПАРИЖ. 14 сентябрь. (ТАСС). Сан-Пауло университетида (Бразилия) филология факультетидаги социология кафедрасининг бошлиғи профессор Флорестан Фернандес қамоққа олинган. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Рио-де-Жанейродан берган хабарида айтилишича, унинг қамоққа олинишига факультет студентлари орасида талаён чиққанлиги баҳона бўлган.

Депутат Эвалдо де Алмейда Пинто миллий конгрессда нутқ сўзлаб, «Бразилия университетларига сояси тушиб турган бундай «ошкора маккартизмни» қоралади. Алмейда Пинто. кейинги беш ой ичида Бразилия маъмуларининг таъқиботлари кучайиб кетганлиги сабабли социолог ва экономист олимлардан 14 киши ишни ташлаб кетишга мажбур бўлганликларини айтди.

БИТИМГА КЕЛИНДИ

ҚОҲИРА. 13 сентябрь. (ТАСС). Президент Носир билан Саудия Арабистонининг бош министри ва валиаҳд шаҳзодаси Амир Файсал ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида кеча Искандарида қўшма баёнот эълон қилинди.

Қўшма баёнотда, жумладан, шу нарса айтиладики, Яман проблемасини ҳал этиш соҳасида тўла ҳамкорлик қилиш тўғрисида Бирлашган Араб Республикаси билан Саудия Арабистони битимга келдилар. Ҳар иккала мамлакат келгусида Яманда қуролли тўқнашувлар бўлишига йўл қўймаслик тўғрисида ҳам келишиб олишди.

Ҳар иккала мамлакат ҳамма масалаларда ва ҳамма соҳаларда тўла ҳамкорлик сиёсатига амал қилишга ҳам розилик билдирдилар.

«АФРИКА—ОСИЁ БИРДАМЛИГИНИНГ ЭНГ ЕВУЗ ДУШМАНЛАРИ»

БАЙРУТ, 14 сентябрь. (ТАСС). «Алахбор» газетасида босилган катта мақолада «Пекин раҳбарлари Африка — Осиё бирдамлигига тарафдормиз, деб айтаётган бўлсалар ҳам, аммо амалда улар бу бирдамликнинг энг ёвуз душманидирлар», дейилади ва ХКП раҳбарларининг ҳаракатлари танқид қилинади. Газета ядро синовлари тақиқланганлигига қарши чиқаётган Пекин раҳбарларининг ҳақиқий мақсадларини ва улар атом қуролига эга бўлишга интилаётганлигини фош қилиб ташлади. «Империализмга ва унинг ҳарбий агрессив давлатларига қарши кураш олиб бораётган бошқа ҳамма халқлар каби араблар ҳам. деб ёзади «Алахбор» газетаси. Пекин сиёсатида бўлаётган ўзгаришларни таажжубланиб кузатиб бормоқдадар. Илгари Хитой империализмга қарши кураш фронтининг биринчи сафида турган бўлса. эндиликда унинг раҳбарлари империалистик ҳарбий блокларга аъзо бўлган мамлакатлардаги ҳукуматларга зўр бериб. хушомадгўйлик қилмоқдалар»... Газета Пекин раҳбарларининг халқларга зўрлаб қабул қилдиришга уринаётган ирқчилик назарияларини кескин қоралайди.

АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИНИНГ ДЕТРОЙТДАГИ НУТҚИ

ВАШИНГТОН. 15 сентябрь. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Дин Раск кеча Детройтнинг иқтисодий клубида «Америка халқининг коммунистик дунё халқлари билан» муносабатларига бағишлаб катта нутқ сўзлади.

Биз. деди у, бартараф қилинши зарур бўлган жиддий ҳавф-хатарларга ва кўпгина қийинчиликларга тўлган дунёда яшаб келмоқдамиз. Қўшма Штатлар. деди давлат секретари, АҚШ ва коммунистик мамлакатлар учун манфаат етказиши мумкин бўлган ўзаро битимнинг моддаларини кўриб чиқишга тайёр. У. «биз ҳаммамиз халқларимизнинг катта эҳтиёжларини ҳал этишимизни енгиллаштира олишимиз учун» қуролланиш пойгасини орқага буриш усулини топишимиз керак. деди. Раск Қўшма Штатлар икки хил системанинг тинч мусобақасига чақирувчи даъватни қабул қилади. деб айтиб. фан, маданият соҳаларида. оддий ва юқумли касалликлар билан кураш соҳасида Шарқ билан Ғарб ўртасида тагин ҳам. кенгроқ ҳамкорлик қилишга чақирди.

Давлат секретари. АҚШ америкаликлар билан коммунистик дунё халқлари ўртасида мустаҳкам девор — «муросасиз душманлик ва ён бермаслик» девори ўрнатиши лозим. деб ҳисоблаётган америкалик сиёсий арбобларга қарши чиқди.

Раск ядро уруши «ҳар бир давлатга қултепа тариқасида кичкина ғалаба» келтиради. шу сабабли бундай урушнинг олдини олиш зарур. деди. Биз. деди у. катта уруш ёнгини хавфини камайтириш ҳамда ҳаммани қизиқтирадиган жиҳатлар катта ё кичик бўлишидан қатъий назар мана шундай жиҳатларни қидириб топиш имкониятларини коммунистик дунё билан биргаликда тадқиқ қилишни давом эттиришимиз лозим.

Раск мана шундай тузук фикрларни айтиш ва даъватлар қилиш билан бирга коммунистик таълимотни ва социалистик мамлакатларнинг халқларини айбламоқ учун сийқаси чиққан гапларни такрорлашдан ўзини тия олмади.

Раск нутқининг олдиндан тайёрлаб қўйилган текстидан четга чиқиб. Жанубий Вьетнамда кейинги икки кун ичида рўй берган воқеаларга тўхталиб ўтди. У. яни ҳарбий тўнтариш қилиш йўлидаги уриниш муваффақиятсизликка учраганлигига «сиёсий тўқиналанишнинг портлаши», деб баҳо берди. Давлат секретари, Америка ҳукумати ҳали ҳам триумвиратга ҳайрихоҳлик билан қарайди ва унинг ҳокимияти тикланганидан мамнун бўлди», деди.

МАРОКАШ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯСИ

РАБОТ, 15 сентябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда парламентнинг фавқулодда сессияси очилди. Бу сессия оппозициячи партияларнинг — «Истиқлол» ва «Халқ кучлари миллий иттифоқи» партияларининг талаби билан чақирилди.

Сессиянинг кун тартибида оппозициячи партиялар киритган тўртта масала бор: мустамлакачилар босиб олган ерларни қайтариб олиш, аграр ислоҳот, қанд саноатини национализация қилиш ва мустамлакачилар фикрини ифодаловчи матбуотнинг статусини қайта кўриб чиқиш. Таклиф қилинган қонун лойиҳаларининг ҳаммаси француз мустамлакачиларининг Марокашда ҳали ҳам сақланиб келаётган кучли позицияларига қарши қаратилган лойиҳаларидир.

Марокаш жамоатчилиги ва матбуоти, айниқса оппозициянинг матбуот органлари парламентнинг фавқулодда сессиясига катта эътибор бермоқдалар.

«Парламент аъзолари икки нарсадан бирини қилишлари керак, — деб ёзади «Насьон Африкэн» газетаси, — улар ё ислоҳотларни ўтказишни ёқлаб якдиллик билан овоз беришлари, ёки деҳқонларни ҳозирги даҳшатли аҳволда қолдира беришлари керак. Депутатларнинг позицияси мамлакат келажаги учун ҳеч қачон ҳозиргидек шу қадар катта аҳамиятга эга бўлмаган эди».

ШАҲМАТ

ХОНАЛАРНИ ВА ДОНАЛАРНИ КЎРМАЙ...

Кўзи кўрмайдиганлар орасидан қобилиятли архитекторлар, математиклар, тарихчилар етишиб чиққанини кўпчилик биладн. Улар физкультура ва спорт билан ҳам шуғулланиб турадилар.

Уларда сеанс қобилияти жуда тараққий этган. Шахматни яхши ўйнаш учун киши профессионал хоккра кучига эга бўлиши керакли аёлдан маълум. Кўзи ожизлар ана шу хусуситдан баҳраманд дирлар. Шунинг учун ҳам шахмат улар орасида кенг тарқалган.

Ҳозир Тошкентдаги марказий шахмат клубида кўзи ожиз шахматчиларнинг иккинчи Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилмоқда. Унда 15 иттифоқчи республика вакилларидан 70 киши қатнашмоқда. Қатнашчилар орасида спорт мастерлигига кандидатлардан (бу номни улар кўзи қўрадиган шахматчилар қиштироқидаги турнирларда олганликларини ҳам эътироф этиш даркор) В. Кулаков, Н. Руденский. В. Чирков (РСФСР), А. Шумахер (Белоруссия), С. Вайсберг. кучли биринчи разрядлилардан Н. Бородачев (Молдавия), Н. Шотиградзе ва бошқалар бор. Мусобақада конкурсдан ташқари спорт мастери М. Муҳитдинов ҳам иштирок этмоқда.

Дастлабки учрашувлар шуни кўрсатмоқдаки, қатнашчиларнинг кўпчилиги донаолар ва доналарни кўрмасалар-да, вариантларни ҳисоблаш, план тузиш, комбинациялар қилиш борасида кўзи соғлом шахматчилардан ҳеч қолишмайдилар. Ҳозирча пастерликка кандидатлар Чирков. Руденский, Шумахер ва ушбу сатрлар автори пешқадамлик қилмоқдалар. Мусобақа давом этмоқда.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

«СПУТНИК» АВТОМАШИНАСИ

Ватанимиз пойтахти кўчаларида шинамгина машина пайдо бўлди. «Спутник» деб номланаётган бу енгил автомашина синовдан ўтказилмоқда. Бу машина тўрт кишига мўлжалланган бўлиб, 15 от кучига эга. Соатига 75 километр тезлик билан юра олади. «Спутник» автомашинаси автомобиль илмий текшириш институти ва Серпухов мотозаводи коллективларининг ижодий ҳамкорлигида яратилди.

Қ. АҲМЕРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги 27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар—28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 11905. ИНДЕКС — 64543. № Б. — 215.